Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 3 сентябрь • пайшанба • № 94-95 (4380)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тараққиёт шиддатига ҳамоҳанг

2 ▸

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИ ЁДГА ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ, 2 сентябрь санаси Биринчи Президент хотираси куни сифатида нишонланади. Мамлакатимиз тарихини, Ислом Каримов хизматларини эъзозлаш халқимизга, ёшларимизга маънавият етказади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган нутқида Биринчи Президентимиз бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеа эканини таъкидлади.

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЎзА

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

ПАНДЕМИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ «АСОРАТЛАРИ»

Соҳа экспертлари ва мутахассислари коронавирус пандемияси сабабли дунёдаги завод ва корхоналарда карантиннинг давом этаётгани, нефть нархи ва экспортининг камайгани, акциялар қиймати-нинг «пастга шўнғиши» дунё иқтисодини абгор аҳволга келтириб қўйиши мумкин деган хавотирда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунё миқёсида 300 миллион нафаргача одам ишсиз қолиши, биргина ишчилар даромадларидаги йўқотишлар эса 3,4 триллион АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Аммо ҳозирнинг ўзида шу нарса маълумки, келтирилган рақамлар кўриладиган зарар кўламини тўлиқ ифода этолмайди.

4 ▸

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Шу йил 2 сентябрдан олий таълим муассасаларига кириш учун талабгор бўлган абитуриентлар учун тест синовлари бошланди.

Маълумки, 2020/2021 ўқув йилига қабул уч кун тест синовлари 14 кун давомида ўтказилади.

Бу йил 91 олий таълим муассасасига кириш учун 1 миллион 484 минг 85 нафар абитуриент рўйхатдан ўтказилган.

Ёпиқ бинолар эпидемиологик талабга жавоб бермаслиги, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчага чўзилиб кетилиши инобатга олиниб, жорий йилда тест синовлари Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги стадионларда ҳамда очиқ майдонларда ташкил этилмоқда.

ТАЖОВУЗЛАРГА ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ ЭМАС

Ўтган давр давомида қайси ҳудудда тиббиёт ходимларига тажовуз рўй бермасин, касаба уюшмаси зўдлик билан тегишли чоралар кўрди.

3 ▸

КУН НАФАСИ

Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан **Бухоро вилоятининг 22 нафар фаол нуроний отахону онахонлари «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони** билан тақдирланди.

* * *

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан **Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган 30 нафар фаол нуронийлар «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони** билан тақдирланди.

* * *

Андижон шаҳрининг «Ҳамкорлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия ходимлари учун ҳар бири 30 хонадондан иборат **3 та беш қаватли уй фойдаланишга топширилди.**

* * *

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами куни **Фарғона шаҳрида** ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган **учта кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.**

* * *

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида тадбиркор Отабек Саматов томонидан барпо этилган янги **«Сеҳрли шаҳарча»** нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биноси **фойдаланишга топширилди.**

* * *

Қўқон шаҳридаги ҳарбий қисмда **«Armi-2020» халқаро Армия ўйинларининг Йўл патрули баҳси** давом этмоқда.

* * *

Истеъдодли ўзбек шоираси Хосият Рустамованинг «Шаббў» («Тун ифори») номли шеърий китоби Душанбе шаҳридаги «Балоғат» нашриётида тожик тилида чоп этилди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

ОНАНГИЗДАН ОР ҚИЛАСИЗМИ?

ҚАНД ҚОҒОЗИГА ЎРАЛГАН ЗАҲАР

2020 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА
№ 94-95 (4380)

Дил сўзи

Тараққиёт шиддатига ҳамоҳанг

Истиқлол – қутлуғ айём! Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганига ҳам мана 29 йил тўлди. Бу даврда давлатимиз улкан шарафли йўлни босиб ўтди. Жаҳон майдонида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Юртда улкан бунёдкорликлар, янгиланишлар бўй кўрсатди.

Адҳамжон МИРЖАЛИЛОВ,
«Дўстлик» ордени соҳиби

Мана шу қутлуғ айём арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари сафида мен ҳам Юртбошимизга ҳамроҳлик қилдим.

Дастлаб давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида бўлиб, амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Мен ҳам бажарилган ишларни ҳаяжон билан кўздан кечирар эканман, бекатлардаги ўзига хос дизайн, янги поездлардаги қулайлик эътиборимни тортди. Ўзим 17 йил Тошкент метрополитенида ишлаганман. Ўн беш йил метрополитен бошлиғи ўринбосари, икки йил раҳбар бўлганман. Демоқчиманки, соҳани яхши тушунаман. Ер остини қазиб, йўл қилишнинг ўзи бўлмайди. Аввалари сув чиқиб кетса, бир неча насослар ўрнатиб, сув тепага минг машаққат билан тортиб ташланар эди. Юнусобод йўлининг 850 метр қисми ер ости суви кўп жойга тўғри келгани сабабли авваллари буни амалга ошириш имкони бўлмаган, шу билан бирга йўловчилар ҳам кам бўлгани учун бу йўналишга эҳтиёж сезилмаган. Энди эса нафақат Юнусобод, балки Тошкент вилоятининг қўшни туманлари аҳолисининг шаҳарга келиб-кетишида қулайлик яратган янги лойиҳа Германия технологияси асосида барпо этилиб, сувли жойга темир-бетон тюбинг қўйилган. Мутахассисларнинг маълумот беришича, ушбу метро йўли лойиҳасининг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлиб, 3 километрлик метро йўли, «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари барпо этилган.

Президентимиз мазкур метро йўлининг қурилиши осон бўлмагани, чет элдан мутахассислар олиб келиниб, икки йилда қурилиш ишлари якунига етгани, муҳими, барча саъй-ҳаракатлар замирида халқимизнинг оғирини енгил қилиш мақсади ётганини алоҳида таъкидлади.

Халқимиз азалдан «Йўл сўрамай йўлга тушма, юрардан аввал йўл ахтар, йўли покнинг – дили пок» деган эзгу ақидаларга амал қилиб келган. Йўл – манзилларни манзилларга улайди, энг муҳими, узоқни яқин қилади. У қанчалик равон, кенг ва текис, қишда ҳам ёздагидек қулайлик яратса, ҳайдовчи учун ҳам, йўловчи учун ҳам бундан ортиқ қувончнинг ўзи бўлмайди. Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирар эканмиз, кўнглимдан шу ўй ўтди.

Аҳмад Дониш кўчасининг Амир Темур кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 километрлик қисми 6 қаторли қилиб қайта қурилгани, 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилингани, пиёдалар ва велосипед йўлакчалари ташкил этилгани ҳам ҳар қандай кўзни қувонтириб юбориш шубҳасиз.

Бу ҳаяжон замонавий Фарғона йўли кўчасини кўришга борганимизда ҳам босилмади. 8 қаторли автомобиль йўли қурилиши, 2 қаторли мавжуд автомобиль йўлининг реконструкция қилиниши, пиёдалар, велосипед йўлакчалари барпо этилиши... Жадаллик билан кетаётган қурилиш жараёни... Буларнинг юртимиз, Ватанимиз гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлиги учун барпо этилаётгани шу тупроқда яшаб, ҳавосидан нафас олаётган ҳар қандай инсонни тўлқинлантирмай қўймайди, албатта.

Шундан сўнг Тошкент ер усти ҳалқа метро линиясининг қуриб битказилган биринчи босқичи – «Дўстлик-2 – Қўйлиқ» йўналишида бўлдик. 2017 йилда қурилиши бошланган метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган бўлиб, узунлиги 11,5 километрга тенг.

Бу ерда Президентимиз бошчилигида поездга чиқдик. Ўзига хос услубда бунёд этилган бекатларга замонавий технологиялар ўрнатилган: турникет, махсус лифтлар, эскалатор, ёриткичлар... Мутахассислик кўзи билан қараганда, ҳамма жойда замонавий технология акс этиб турибди. Энг муҳими, арзон, қулай ва хавфсиз...

225 та янги иш ўрни яратилган ушбу йўналиш ҳали қанчадан-қанча одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилади. Кунига 46 минг нафар йўловчи бу қулайликдан фойдаланади. Бу шаҳар кўчаларидаги тирбандликларнинг олди олиниб, минглаб юртдошларимизнинг манзилига вақтида етиб бориб, кўзлаган ишини бажариши деганидир.

Кейинги босқичлар қурилиши бўйича ўтказилган тақдимотда иккинчи босқичда Қўйлиқ бозори билан Тошкент ер ости метросининг «Олмазор» бекати боғланиши, учинчи босқич «Беруний», сўнг «Бодомзор», охиргиси «Дўстлик» бекатига уланиши, умумий узунлиги қарийб 55 километрни ташкил этиши ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда юртдошларимизни уй-жой билан таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Сўнгги йилларда кўплаб уй-жойлар қурилди. Йиллар давомида ижарада туриб, Ватанли бўлгач, қувончини ичига сиғдиролмай, уй тўйлари қилаётганларнинг саноғи йўқ. Яшнобод туманидаги Фарғона йўли кўчасининг Қорасув канали бўйида қурилаётган «Ассалом, соҳил!» турар-жой мажмуаси билан танишиш жараёнида уйли бўлган ватандошларимизнинг ҳаяжонли онлари кўз олдимдан ўтди. 22 та кўп қаватли уй, 58 та коттеж, мўъжаз сайилгоҳлар, таълим муассасалари, соғломлаштириш мажмуалари, амфитеатр, бизнес марказ... Улар халқимиз учун – келажаги порлоқ юртдошларимиз учун бунёд этилаётгани эртанги кунимизга бўлган ишончни юз карра оширади, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, видеокузатув ва ёнғин хавфсизлик тизими ўрнатилган бу уйлар 9 баллдан юқори зилзилага бардошли экан. Хоналари, ошхонаси кенг, шинам. Яшовчилар учун барча қулайликлар ҳисобга олинган.

Давлатимиз раҳбари бундай уйларни нархлари арзон бўлган ҳолда сифатда ривожланган давлатлардагидан қолишмайдиган тарзда бунёд этиш лозимлигини таъкидлади.

Хориж тажрибаси асосида қурилган енгил конструкцияли коттежлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Арзон, буюртма асосида қисқа муддатда исталган шаклда қуриб бериладиган бундай коттежлар тоғли ва чўл ҳудудлари учун жуда мос келиши шубҳасиз.

Навбатдаги манзил Яшнобод туманидаги кўп тармоқли «Texnopark» ишлаб чиқариш мажмуасидаги «Samsung» бренди остида маиший совуткичлар ишлаб чиқариш корхонаси бўлди.

Собиқ авиасозлик заводи ўрнидаги 101 гектарлик майдонда жойлашган ушбу ишлаб чиқариш мажмуасида 17 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Дастлаб электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қолган лойиҳалар, уларнинг ишга туширилиши ортидан 10 минг нафардан зиёд аҳоли ишли бўлади.

Йилига 1 миллион дона совуткич ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада бир вақтнинг ўзида 4 турдаги совуткичлар ишлаб чиқарилади. Бу ички бозорни тўлдириш билан бирга МДҲ давлатлари аҳолисини ҳам замонавий маҳсулот билан таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, «Texnopark» мажмуасида «Samsung» бренди остида маиший совуткичлар ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини ишга туширгач, ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдик...

Таъкидлаш ўринлики, Президентимиз бошчилигида юртимизда пандемия пайтида ҳам қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат каби кўплаб соҳалар фаолияти бир зум бўлсин тўхтамади. У кишининг ташаббуси билан қуриб битирилган метро ва замонавий йўллар, муҳим ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари каби улкан бунёдкорлик ишларининг замирида халқимиз матонати, билим-тажрибаси мужассамлашган бўлиб, улар юрт келажагига хизмат қилади.

Халқимиз азалдан «Йўл сўрамай йўлга тушма, юрардан аввал йўл ахтар, йўли покнинг – дили пок» деган эзгу ақидаларга амал қилиб келган. Йўл – манзилларни манзилларга улайди, энг муҳими, узоқни яқин қилади. У қанчалик равон, кенг ва текис, қишда ҳам ёздагидек қулайлик яратса, ҳайдовчи учун ҳам, йўловчи учун ҳам бундан ортиқ қувончнинг ўзи бўлмайди. Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирар эканмиз, кўнглимдан шу ўй ўтди.

Бу ерда Президентимиз бошчилигида поездга чиқдик. Ўзига хос услубда бунёд этилган бекатларга замонавий технологиялар ўрнатилган: турникет, махсус лифтлар, эскалатор, ёриткичлар... Мутахассислик кўзи билан қараганда ҳамма жойда замонавий технология акс этиб турибди. Энг муҳими арзон, қулай ва хавфсиз...

Қашқадарё вилояти

Тиббиёт соҳаси ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тармоқ касаба уюшмаси фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу ҳисобга олиниб, 2018-2020 йиллар учун қабул қилган жамоа шартномасини қатор имтиёзларни ўзида жамлаган бандлар билан бойитдик. Жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сарҳисоб

Беш йилда ўн бараварга ўсиш

Эътибор қилинг, ўтган беш йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори 10 баробарга ошди.

Ҳисобот даврида тумандаги даволаш профилактика муассасаларидаги кам таъминланган оилалар вакилларининг 215 нафарига 91 миллион 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Зарарли шароитда меҳнат қиладиган ходимларга устамалар, узоқ йиллар давомида узлуксиз ишлаган шифокорларга ойлик маошидан келиб чиққан ҳолда қўшимча тўловлар тўланди.

2016-2020 йилларда туман тиббиёт бирлашмаси ва унинг ёндош поликлиника бинолари тўлиқ капитал реконструкция қилинди. Бирлашмага қарашли туғуруқ ва болалар бўлимлари ҳам янгидан қурилгани қувончлидир. Бу билан беморларга ва ишчи ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратилди. Қишлоқларда жойлашган олтита оилавий поликлиника ва бешта қишлоқ врачлик пункти қайта таъмирланди. Битта оилавий поликлиника эса янгидан қурилди.

Албатта, шу ўринда ўтаётан ҳар бир йилда унинг мазмун-моҳияти ва белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб, муайян давлат дастурлари ишлаб чиқилгани ва амалга татбиқ этилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан, ўтган йили давлат дастури бандлари асосида 462 нафар ходим ижтимоий ҳимоя қилинди ва бунга касаба уюшмасидан 74 миллион 500 минг сўм маблағ ажратилди. Бу йилги пандемия давридан келиб чиқиб, 374 нафар ходимга ёрдам кўрсатилди ва бу мақсадлар учун 60 миллион 800 минг сўм касаба уюшмаси маблағи сарфланди.

Мухтасар айтганда, ўтган даврда касаба уюшмалари тумандаги тиббиёт ходимларининг энг яқин суянчи ва таянчи бўлишга айланиб улгурди. Фаолиятимиз қамрови кенгайиб, имкон қадар ҳар бир ходимнинг ҳаётига кириб боришга ҳаракат қилдик. Аммо ҳали режалар бисёр. Жонажон Ватанимиз равнақи йўлида ҳар биримиз фидойилик ва ҳамжиҳатлик билан ишласак, кўзлаган марраларга эришамиз.

Аҳмаджон АБДУСАМАДОВ,
Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Таълим, фан ва маданият муассасаларида ишлайдиган ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашни устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Фаолият

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Шу боис, кейинги йилларда тармоқ ходимларининг бир неча бор Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатлари ташкил қилинди. Педагоглар тарихий қадамжоларни зиёрат қилишди, ўтмишимизни яқиндан ўрганишди, мазмунли ҳордиқ чиқарди.

Касаба уюшмалари томонидан ўтказиладиган анъанавий спартакиадалар ва оилавий спорт мусобақаларидан ташқари, педагоглар ўртасида доимий равишда футбол, волейбол, шахмат, шашка, дартс турлари бўйича кичик турнирлар ўтказишни йўлга қўйганмиз.

Бундан ташқари, ёшларнинг маънавиятини янада юксалтириш учун Президентимиз белгилаб берган бешта муҳим ташаббусни амалга татбиқ этиш мақсадида ходимлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, компьютер техникасини пухта ўрганиб, замон талабларига мос равишда ишлаш, электрон ахборот алмашиш ва онлайн тарзда таълим бериш самарадорлигига эришишга катта эътибор қаратиляпти.

Янгибой АВЕЗОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Муборак тумани кенгаши раиси

Фойдали мулоқотлар

Китоб мутолааси – қалбга малҳам

Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот кутубхона маркази китобхонлар билан ёзувчилар, шоирлар ҳамда жамоат арбоблари иштирокида ZOOM дастури асосида туркум масофавий онлайн-мулоқотлар ўтказмоқда. «Янги замон аёли – бадиий асарларда», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Масофадан хизмат кўрсатиш: ижтимоий тармоқлар яратилиши ҳолати, таҳлил, танқид ва таклиф» мавзусидаги онлайн учрашув ва вебинарлар шулар жумласидандир.

– Неча йил деганда янги шеърий тўпламим дунё юзини кўрди. Илк нусхаси бугун қўлимга етиб келди, – дейди мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда шоир Бобур Бобомурод. – Ушу китоб атрофида баҳс-мунозараларимиз мамлакатимизда кечаётган китобхонлик борасидаги амалий ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилса, хурсанд бўлардим...

– Пандемия шароитида ҳар бир ўз устида ишлашни бурч ҳисоблаган инсон китоб мутолаасини қалбга малҳам бир илинж деб билади,– дейди шоир ва таржимон Даврон Ражаб. – Одамзод бугунги юз бераётган юқумли ваҳшатларни илдизи билан йўқ қилиш учун инсониятга қолдирилган маънавий меросдан жавоб излайди. Шунинг учун кутубхоналарда бундай виртуал учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш китобхонлар учун ҳам, ижодкорлар учун ҳам кони фойдадир.

АКМ директорлари, талаба ёшлар, китобхонларнинг саволларига ижодкорлар берган жавоблар виртуал мулоқотга ўзгача руҳ ва мазмун бахш этди.

Ўз мухбиримиз

Кейинги вақтларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тиббиёт ходимларига турли тажовузлар содир этилаётгани ҳақида кўплаб хабарлар берилмоқда. Бу эса бундай салбий ҳолатлар кейинги йиллардагина содир бўляпти, деган нотўғри тушунчанинг пайдо бўлишига сабаб бўляпти. Аслида эса тиббиёт ходимларига тажовузлар олдинлари ҳам «етарлича» бўлган. Маълумотларни ошкора тарқатиш имконияти яратилганидан сўнг бундай хабарлар сони кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 302 та шунақа ҳолат юз бергани ачинарли ҳол, албатта. Айрим блогерларнинг бу масала юзасидан касаба уюшмаси четда турибди, деган иддаоси эса мутлақо асоссиз.

Муносабат

ТАЖОВУЗЛАРГА ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ ЭМАС

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган давр давомида қайси ҳудудда тиббиёт ходимларига тажовуз рўй бермасин, касаба уюшмаси зудлик билан тегишли чоралар кўрди. Масалан, ўтган йили ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган Олтиариқ тумани тез тиббий ёрдам шифокорининг чақириқ пайтида беморнинг қариндошлари томонидан калтакланиши, Сирдарё вилояти шошилинч ёрдам илмий маркази шифокорини беморнинг қариндошлари пичоқлаши ва бошқа ҳолатлар бўйича касаба уюшмаси вакиллари зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, тегишли чоралар кўрилишида бевосита иштирок этган. Жабрланганларни моддий, маънавий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилган.

Энг муҳими, бу оғриқли масала Сенатнинг тегишли қўмитаси раиси билан муҳокама қилинган. Биз билдирган ташаббус қўллаб-қувватлангач, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббускорлигида тиббиёт ходимларига ўз хизмат вазифасини бажариб турган вақтда тажовуз қилганлик учун жавобгарликни ошириш бўйича қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Тиббиёт ходимларини шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва тиббий кўрик масаласи анча вақтлардан бери ечимини топмай келаётган ва касаба уюшма аъзоларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган оғриқли муаммоларидан бири. Бугунги кунда соҳа ходимларини шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда уларнинг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Нафақат бугунги пандемия шароитида, балки ҳар доим ҳам ҳар бир ходим иш берувчи ҳисобидан тиббий ниқоб, бир марталик қўлқоп, тиббиёт кийим (халат) билан бепул таъминланиши лозим. Афсуски, иш берувчидан анчагина маблағ талаб этадиган бу талабни тўлиқ адо этиляпти, деб бўлмайди.

Бу масала тизимни молиялаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, касаба уюшмасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва иш берувчиларга билдирган эътирозларига меҳнат муҳофазаси учун бюджетдан етарли маблағлар ажратилмаётгани важ қилиб келинмоқда. Қолаверса, иш берувчи ҳисобидан ходимларни вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш масаласида ҳам муаммолар бор. Бугунги кунда ҳар бир ходимнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилишида қонунга хилоф равишда ўртача 82 минг сўмдан чиқимдор бўлишига йўл қўйилмоқда.

Фарҳод ҲАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Касаба уюшмаси бу масалаларга ечим топиш мақсадида ҳар йили Бош келишув ижросини таъминлаш юзасидан иш берувчилар, турли вазирлик ҳамда идоралар масъуллари билан бўлиб ўтадиган мулоқотлар чоғида Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари вакилларига ўз эътирозларини билдириб келмоқда. Масалан, ўтган йили корхона ва муассасаларнинг йиллик харажатлар сметасига меҳнат муҳофазаси бўйича алоҳида банд киритиш ва тегишли маблағлар ажратилиши лозимлиги ҳақида асосланган таклифлар берилган. Гап энди таклифларнинг инобатга олинишида қолди.

Мазкур масала бўйича Республика кенгаши Молия вазирлигига 3 марта ёзма мурожаат қилган. Охирги 5 йилда иш берувчиларга 40 тага яқин ёзма тақдимнома киритилган. 2015 йил якуни бўйича меҳнат муҳофазасига ҳар бир ходим учун ўртача 49.620 сўм сарфланган бўлса, 2019 йил якунида бу кўрсаткич 302.972 сўмни ташкил этди. Албатта, маблағ сарфлаш кўрсаткичи кейинги беш йилликда 2,2 баробарга ўсган бўлса-да, лекин ҳали соҳада муаммолар борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Тармоқдаги яна бир муҳим масала – пандемия шароитида тиббиёт ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришдир. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг коронавирус инфекциясига қарши курашиш жараёнига жалб этилган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш бўйича фармони эълон қилингач, Республика махсус комиссияси қарорига асосан Covid-19 касаллигига чалинганларни даволаш ва диагностика қилишга ихтисослашган муассасаларда меҳнат қилган ходимларни 5 миллион сўмдан 25 миллион сўмгача рағбатлантириш, шундай муассасаларда ишлаб касалликни юқтириб олганларга 100 миллион сўм, касаллик оқибатида вафот этганларга эса 250 миллион сўм тўланиши белгиланди. Пандемия бисининг Меҳнат инспекцияси билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг натижасида шу йилнинг 3 август ҳолатига 23 миллиард 159 миллион сўмдан ортиқ рағбатлантириш ва зарар тўловлари тўлаб берилмагани аниқланди. Шундан 9 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ ундириб берилди ва қолганини ҳам ундириш чоралари кўрилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг Covid-19га чалиниш ҳолатлари ҳам касаба уюшмаси назаридан четда қолгани йўқ. Ўрганишлар натижасида жорий йилнинг 3 август ҳолатига кўра, 1249 нафар ходим касалликка чалингани, шундан 125 нафари касалликни даволашга ихтисослашган марказларда, 898 нафари иш билан боғлиқ ҳолатларда, 226 нафари эса ишдан ташқари ҳолатда юқтириб олгани аниқланди. Минг афсуски, 33 нафар тиббиёт ходими вафот этган. Уларга белгиланган тўловларнинг тўланиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Энди касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ва касаба уюшмаси маблағлари масаласига тўхталсак, бу масала кўпчиликни қизиқтириши табиий. Касаба уюшмаси Уставига асосан, унинг фаолияти очиқ ва ҳар бир аъзо ўзи тўлаётган бадалларнинг қандай мақсадларда сарф этилиши ҳақида маълумотга эга бўлишга ҳақли. Маълумки, ҳозирда бир фоизлик аъзолик бадалларининг 60-70 фоизи бошланғич ташкилотлар ҳисобида қолдирилиб, қолган қисми юқори ташкилотлар ҳисобига ўтказиб берилади. Юқори ташкилотларга ўтказиб бериладиган маблағларнинг асосий қисми касаба уюшмалари тизимидаги бунёдкорлик ишларига, яъни янги замонавий санаторийлар ва болалар дам олиш оромгоҳларини қуриш, эскиларини таъмирлаш ишларига сарфланади. Бундан ташқари, касаба уюшмаси раҳбар органлари аппарати ва турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилишга ҳам маблағ сарф этилади. Қисқа вақт ичида тизимда бир қанча замонавий санаторийлар, болалар оромгоҳларининг ишга туширилгани фикримизнинг яққол исботидир.

Баъзан касаба уюшмаси аъзолари «мен уюшмага анча-мунча бадал тўладим, лекин эвазига ҳеч нарса олмадим» деган саволларни беришади. Мен уларга шундай жавоб берган бўлардим: касаба уюшмаси бу – омонат жамғармаси эмас. У оғир ҳолатга тушиб қолган ўз аъзоларига моддий ёрдам кўрсатади, фаолларни рағбатлантиради, ходимлар ўртасида турли танловлар, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказади, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий ва оромгоҳларда соғломлаштиради. Бу мақсадлар учун эса анчагина маблағ йўналтирилади. Унутмаслик керакки, касаба уюшмасининг асосий фаолияти ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратилишини таъминлашга эришишдир.

Бу – иш берувчилар билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимлар манфаатлари йўлида музокаралар ўтказиб, жамоа шартномаларини тузиш ва унда белгиланган шартларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатишда намоён бўлади. Маълумки, жамоа шартномаси корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимлар учун амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёз ва кафолатлар бериш назарда тутиладиган ҳужжатдир. Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаларининг самарадорлиги у бўйича ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ миқдори билан ўлчанади.

Масалан, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида 2016-2018 йиллар учун тузилган тармоқ келишувида 139 та модда мавжуд бўлган бўлса, ўтказилган музокаралар натижасида 2019-2021 йиллар учун тузилган келишувда уларнинг сони 187 тага етказилди. Шундан 123 таси амалдаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёзлар белгилаш ҳақидадир. Рақамларга мурожаат қилинса, амал қилинаётган жамоа шартномаларидаги мажбуриятлар орқали яратилган қўшимча имтиёзларни қўллаш учун ҳар бир ходимга ўртача сарфланган маблағ 2015 йилда 994 247 сўм бўлган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 4 660 375 сўмни ташкил этди. Яъни, беш йил давомида жамоа шартномалари бўйича ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ 4,7 баробарга ошди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, касаба уюшмаси жамият ҳаётида кузатувчи ёки томошабин эмас. Афсуски, буни айримлар ё тушунмаяпти ё сезмаяпти. Бу эса тарғибот ишларини янада жонлантиришни тақозо этади.

Наманган вилояти

Жорий йилнинг 7 июль куни Учқўрғон тумани электр таъминоти корхонаси электромонтёри Бобур Мўйдинов бахтсиз ҳодиса қурбони бўлди. Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, Учқўрғон тумани электр таъминоти корхонаси раҳбар ходимларининг нотўғри топшириғи ҳамда ходимларга бажарадиган иши тўғри тақсимланмагани оқибатида бир инсон вафот этган.

Меҳнат муҳофазаси

БАХТСИЗ ҲОДИСАНИНГ САБАБИ НИМА?

Шу кун эрталабки иш тақсимот йиғилишида эксплуатация ходимларига бир нечта вазифалар тақсимлангач, Учқўрғон тумани электр таъминоти корхонаси раҳбарлари йўл-йўлакай Ибн Сино кўчасида яшовчи фуқаро У.Эргашевнинг мурожаатини бажариш бўйича топшириқ беришади. Ваҳоланки, У.Эргашевнинг оғзаки мурожаати белгиланган тартибда корхона мурожаатларни рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинмаган.

Шу куни фуқаронинг мурожаатини бажариш мақсадида Учқўрғон тумани электр таъминоти корхонаси ходимлари 10-«Маданият» электр узатиш ҳаво тармоғини ўчириши керак бўлади ва диспетчерга алоқага чиқишади. Навбатчи диспетчер наряд-ижозат расмийлаштириб, қайта алоқага чиқиши лозимлигини билдиради. Навбатчи диспетчер корхона раҳбарига алоқага чиққанда тармоқни ўчириш тўғрисида қатъий топшириқ олади.

Тармоқ ўчирилгандан сўнг иш жойида бўлган корхона техниги барча хавфсизлик чораларини кўрмасдан электромонтёр ходимларни ишга жалб қилади. Бу жараёнда электромонтёр Б.Мўйдинов тепага кўтарилаётганда 0,4 кВли тармоқнинг ички тарафидан ўтмоқчи бўлади. Ҳимоя камари арқонини ечиб, симлардан ўтиб, камарни қайта тақиб олаётган вақтда 10 кВли «Мустақиллик» электр узатиш тармоғига уланган кучланиш остида бўлган фаза симига қўли тегиб кетади. Оқибатда мувозанатни йўқотиб, пастга йиқилади.

Кўриниб турганидек, туман электр таъминоти корхонасида иш юритувчиларнинг етарли даражада меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя этмагани, истеъмолчиларга ноқонуний захира тармоқлари улаб бериш, раҳбар ходимларнинг ўз вазифа ва мажбуриятини етарли даражада бажармагани бахтсиз ҳодиса содир бўлишига олиб келган.

Шу ўринда бир мулоҳаза: товон пулини тўлаб бериш ўз йўлига. Лекин бир инсоннинг ўлими ва унинг оила-аъзолари тақдири ҳаммани ўйлантириши шубҳасиз. Бундай нохуш воқеалар эса меҳнат муҳофазаси масаласининг нечоғлик долзарб эканини исботлайди.

Умид ЙЎЛДОШЕВ,
«Ўзэнергоинспекция»
Наманган ҳудудий бўлими
бош мутахассиси

Қорақалпоғистон Республикаси

Мозий садолари

ОРОЛБЎЙИДАГИ МАЁҚ МИНОРАЛАР

Улар нимадан белги берган?

Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани ҳудудидаги Чилпиқ қўрғони тарихда кўп вазифаларни бажарган. У зароастризм маданияти ҳукм сурган пайтда даҳма (марҳумни дафн этиш жойи) вазифасини ўтаган, бир вақтларда душманлардан ҳимояланиш учун қўрғон сифатида хизмат қилган. Олимларнинг маълумотича, ушбу қўрғондан маёқ минораси сифатида ҳам фойдаланилган.

Хўш, маёқ минораси қандай вазифани ўтаган?

– Маёқ миноралар қадимги Хоразмда X-XIII асрларда қурилган бўлиб, улар Амударёнинг ўнг қирғоғида, яшаш жойларига яқин ерларда жойлашган, – дейди тарих фанлари номзоди, археолог Октябр Доспанов. – Амударё бўйида 9 та маёқ миноралар мавжуд бўлгани аниқланган. Уларнинг ораси 30-40 километр бўлиб, бир хил мақсадда фойдаланилган.

Маёқ миноралар Амударё қирғоғидан ташқари Устюрт, Орол денгизи бўйлари ва Кўҳна Урганч чегараларида ҳам мавжуд бўлган.

Тарихий манбаларга кўра, Амударёнинг қуйи қисмида йўл бўйи иншоотлари, илк алоқа йўллари тармоқлари қадимги даврдаёқ барпо этила бошланган. Бунда маёқ миноралар муҳим аҳамият касб этган.

Маёқ миноралар савдо карвон йўллари бўйлаб қурилган. Энг тепасига олов ёқилиб, олисдан карвон келаётгани ҳақида яқин қишлоқларга хабар берилган. Минораларнинг яна бир вазифаси аҳолини душманлардан огоҳлантириш ҳисобланган. Улар шундай қурилганки, кеча-ю кундуз ҳар қандай шароитда хавф ёки карвон яқинлашаётганда олов ёки тутун орқали хабар бериш мумкин бўлган.

Амударё тумани ҳудудидаги XII-XIV асрларга тегишли бўлган Хўжакўл минораси ҳам маёқ вазифасини ўтаган. Унинг учида шакли қувурга ўхшаш йўлак бўлиб, қуйи қисмида кичкина дарча жойлашган. Бу ерда олов ёқилиб, унинг тутуни қувур орқали юқорига йўналтирилган. Қорақалпоғистон ҳудудидаги аксарият маёқлар худди шу усулда бунёд этилган.

Минора жойлашган ҳудудларда ҳунармандчилик кенг ривожланган. Чунки карвонлар шу ерлардан ўтгани учун савдо-сотиқ учун қулай имконият юзага келган. Бунинг далили сифатида минора жойлашган ерга яқин бўлган Султон Увайс тоғидан 300 дан ортиқ қимматбаҳо тошлар қазиб олишга мўлжалланган шахталарнинг топилганини кўрсатиш мумкин. Тоғнинг этагида тош ўймакорлиги билан шуғулланган устахоналар ҳам топилган. Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти музейида сақланаётган мармардан ишланган сангтарошлик намунаси ҳам шу жойдан топилган.

Энг қизиғи, шунга ўхшаш ўрта асрларга оид буюмлар кўплаб давлатларнинг музейларида учрайди. Масалан, Мисрда топилган заргарлик асбоби шундай буюмлар сирасидан.

Маёқ миноларини олимлар йўлбўйи иншоотлари туркумига киритишган. Оролбўйи яқинида йўлбўйи иншоотлари туркумига кирувчи яна тўртта иншоот топилган ва уларнинг маёқ минора экани аниқланган. Улар Қрантау, Қушхона, Порлитау ва Тўққалъа тепаликларидаги миноралардир. Бу миноралар географик жойлашувига кўра қолган бошқа миноралар билан узвий боғлиқ бўлган, деб тахмин қилинади. Чунки, уларнинг жойлашув ҳудуди ўрта асрлардаги Катдан Кердер шаҳригача, шимолда Айвон қалъа археологик объектигача чўзилган. Бу йўналишларга Султон бобо, Хўжакўл, Қуёнчиқ, Чилпиқ, Назархан, Қушхона, Тўққалъа, Қрантау ва Порлитау мудофаа маёқ миноралари киради. Чилпиқни ҳам бу тизимдаги маёқ мудофаа миноралари сафига киритиш мумкин. Чунки Амударё бўйида, Қуёнчиқ ва Назархон миноралари ўртасида Чилпиқ тепалигидан бошқа миноралар учрамайди. Табиий тепалик устига лой пахсадан бунёд қилинган ушбу қўрғон ўрта асрларда маёқ минораси вазифасини ҳам бажарган.

Тарихдан маълумки, қадим ва ўрта асрларда Марказий Осиё мамлакатлари Шарқий Европа ва Волгабўйи ҳудуди билан Устюртдаги савдо карвон йўллари орқали боғланган. Табиийки, карвон йўллари бўйларида маёқ миноралари барпо этилган. Устюртда топилган маёқ минораларнинг айримлари ҳозирги кунга қадар қисман яхши сақланган бўлиб, улар асосан чиғаноқ тош плиткаларидан қурилган. Оролбўйи минтақаси ҳудудидаги Эрондан Туркманистон орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг Сариқамиш кўли ёнидаги Декчадан то Орол денгизи қирғоғида жойлашган Қўрғончагача бўлган масофада 25 та маёқ миноралари мавжуд бўлгани аниқланган. Уларнинг ҳар қайсисининг оралиқ масофалари ўртача 20, 30, 40 километрга тенг бўлиб, 300 километрлик масофани қамраб олган.

Устюрт минораларининг меъморий таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти айлана, тўғри ва тўртбурчак тузилишда, композиция жиҳатидан конус ёки пирамида шаклига эга. Айлана ва конус шаклдаги миноралар қаторига Томарқаъла, Айбуйир миноралари киради. Мудофаа маёқ миноралардан 5 таси тутун ёки олов ёрдамида карвон ва ҳудуд аҳолисига хабар беришга мўлжаллаб қурилган. Барча миноралар чиғаноқ тош плиталардан, шунингдек, Хоразмнинг анъанавий хом ва пишиқ ғиштларидан бунёд қилинган.

Миноларнинг жўғрофий жойлашуви ва меъморий шакли аждодларимизнинг юксак заковати маҳсули бўлиб, уларнинг математика, физика каби аниқ фанларни, ҳарбий ва меъморчилик илмини чуқур эгаллаганидан далолатдир. Бу эса уларни асраб-авайлашни, шонли тарихимизни ўқиб-ўрганишни тақозо этади.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Дунёда нима гап?

Пандемиянинг иқтисодий «асоратлари»

Соҳа экспертлари ва мутахассислари коронавирус пандемияси сабабли дунёдаги завод ва корхоналарда карантиннинг давом этаётгани, нефть нархи ва экспортининг камайгани, акциялар қийматининг «пастга шўнғиши» дунё иқтисодини абгор аҳволга келтириб қўйиши мумкин деган хавотирда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунё миқёсида 300 миллион нафаргача одам ишсиз қолиши, биргина ишчилар даромадларидаги йўқотишлар эса 3,4 триллион АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Аммо ҳозирнинг ўзида шу нарса маълумки, келтирилган рақамлар кўриладиган зарар кўламини тўлиқ ифода этолмайди.

Жаҳон савдосининг 13 фоиздан 35 фоизгача пасайиб кетгани жаҳондаги меъёрий иқтисодий фаолият ва ҳаётнинг бузилганидан далолатдир. Жаҳон савдо ташкилоти бош директори Роберто Азеведонинг айтишича, 2021 йилда иқтисодий тикланиш имкониятини баҳолаш жуда қийин – барчаси пандемиянинг ривожланиш курси ва унинг давомийлигига, шунингдек, ҳокимиятларнинг самарадор дастур ва лойиҳаларига боғлиқ.

Пандемиянинг глобал таъсири дунёдаги фавқулодда тиббий-санитария доирасидан анча четга чиқиб кетди. Ҳозирда иқтисодий, ижтимоий, тараққиёт соҳалари ва кўпгина бошқа йўналишлар жиддий хавф остига тушиб қолди. Пандемия меҳнат бозорларининг заиф жойларини очиб берди. Корхоналар ўз фаолиятиини тўхтатгани, иш вақти қисқаргани, ходимларнинг ишдан бўшатилиши кўпчиликни касод жарлиги ёқасига келтириб қўйди. Қолаверса, шусиз ҳам барқарор ишга эга бўлмаган одамлар, яъни сотувчилар, официантлар, ошхона ходимлари, юк ортувчилар, фаррошлар каби ходимлар биринчилардан бўлиб ишдан бўшашига тўғри келди. Ҳар беш кишидан бир киши ишсизлик нафақасига эга бўлиш ҳуқуқи истагида яшаётган дунёда миллионлаб кишилар учун ишдан бўшаш ҳалокатга тенг ҳолат. Ривожланаётган мамлакатлардаги ишбай ишчилар, мардикорлар ва норасмий савдогарлар ҳам шу аҳволда. Натижада эса ҳамма жабр кўряпти: пандемия нафақат вирус тарқалишини тезлаштирди, балки қашшоқлик ва тенгсизликни янада кучайтирди. Инсоният олдида миллионлаб иш жойлари ва корхоналарни сақлаб қолишнинг имкони бор, лекин бунинг учун ҳукуматлар корхоналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлайдиган, ишдан бўшатишларни олдини оладиган ва заиф тоифадаги ходимларни ҳимоялай оладиган қатъий чораларни кўриши зарур бўлади. Ҳозирги вақтда давом этаётган кескин пасайиш узоққа чўзилиб кетмаслиги учун рағбатлантирувчи бюджет-молия ва кредит-пул сиёсатини юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Туризм пандемиядан энг кўп жабр кўрган соҳалардан бири бўлди. Ушбу соҳада дунё бўйича 120 миллион иш ўрни хавф остида қолмоқда – уларнинг аксарияти норасмий сектор ва кичик корхоналар ҳисобига тўғри келмоқда. Туризм соҳаси билан боғлиқ экспортдан олинадиган даромаднинг кескин камайиши жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2,8 фоизга қисқаришига олиб келиши мумкин. БМТ бош котиби Антониу Гутерришнинг таъкидлашича, саёҳлик сектори хавфсиз бўладиган ҳамда иш ўрни ва барқарор даромадлар манбаси сифатида ўз позицияларини қайтара оладиган ҳолда ўзгартирилиши лозим. Аввалроқ БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) жорий йилнинг январь ойидан май ойи охиригача халқаро туристик сафарлар сони 300 миллионга ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 56 фоизга камайиб кетганини маълум қилган. Шу давр ичида туризмдан олинадиган даромад 320 миллиард долларга қисқариб кетган. Ташкилотнинг маълум қилишича, деярли барча давлатлар туризм соҳасида коронавирус билан боғлиқ чоралар киритган. Июль охирида 40 фоиз давлатларгина бу чораларни юмшатган.

Коронавирус пандемияси сабабли дунё улкан миқёсдаги очарчиликка рўбарў келиши мумкин. Бу ҳақда БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури (ЖООД) раҳбари Дэвид Бисли маълум қилди.

Бундан ҳам хавотирлиси, агар жорий этилган карантин тезроқ барҳам топмаса, унда дунё иқтисоди касодга учраши муқаррар. Ваҳоланки, 2008-2009 йилда рўй берган иқтисодий инқироздан дунё ўн йил деганда ўзига келганди. «Жонлантириш муолажалари»дан кейин ўзини тўлиқ ўнгламаган йирик давлатлар – АҚШ, Европа Иттифоқи ва Хитой узра яна «қора булут»лар кўринмоқда. Бу ҳар уччала иқтисодиёт бир-бирига ўзаро чамбарчас боғланганги сабабли бир давлатнинг зарари иккинчисида кўзга ташланади. Масалан, Хитой дунёдаги йирик электроника компаниялари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради. Минтақада бу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 40 фоизи айнан Хитой ҳиссасига тўғри келади. Саноатдаги «танаффус» Австралия ва Бразилия каби хомашё етказиб берувчи давлатларга ҳам зиён келтирди. Европа ва АҚШ эса асосан Хитой сайёҳларининг қадами узилганидан зарар кўрди. Улар бу мамлакатлар дўконларидаги қимматбаҳо кийим ва тақинчоқларнинг асосий харидори саналади. Албатта, Хитойда чиқариладиган эҳтиёт қисмларининг камайиши Ғарбни бошқа ишлаб чиқарувчилар тарафига ўгирилишини англатади. Аммо бу арзонга тушмайди.

Иқтисодиёт учун оғир дамларда акциялар, металлар, ривожланаётган бозорларнинг қарзлари, хомашё нархи пасаяр экан, сармоядорлар ҳам активларини сотишдан бошқа йўл тополмаяпти. Улар энди олтин ва ривожланган давлатлар облигацияларини сотиб олмоқда. Саноатда ишлатиладиган металлар, айниқса, никел, мис, алюминий нархи вирус тарқалишидан кейин ўртача 7 фоизга арзонлашди.

Пандемия сўнгги ўн йилликда Яқин Шарқ минтақасини ларзага келтирган учинчи инқирозга айланди. Минтақа 2011-йилда «Араб баҳори» муаммоси билан юзлашди. 2014-йилдан эса нефт нархи пасайишни бошлади. Коронавирус пандемияси эса минтақада фундаментал ўзгаришлар ясаш даври етилганини англатмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, асосан нефт экспортига таянган Форс кўрфази давлатлари иқтисодида инновацион ўзгаришга эҳтиёж етилган. Минтақа табиий ресурсларидан келадиган тушумга ортиқ ишонмаслиги, ишлаб чиқаришга ўтиши лозим. Бу айтишга осон. Бироқ араб давлатларининг нефтга таяниш даври якунига етмоқда. Нефтни экспорт қилувчи томонлар ҳам, импорт қилувчи томонлар ҳам янги иқтисодий моделга эга бўлишга мажбур. Сланецли нефт ва қайта тикланувчи энергия манбалари қора олтин нархи ва самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Йирик нефт экспорчилар, хусусан, Саудия Арабистонининг ишлаб чиқарувчи иқтисодга ўтиши осон кечмайди. Бошқа мамлакатлар, жумладан, Хитой уч авлод алмашинуви билан эришган ислоҳотларга Саудия бир авлод алмашинуви билан эришиши лозим. Шунинг учун ҳам инновация энг долзарб аҳамият касб этмоқда. Саудия Арабистони бюджетининг 87 фоизини нефтдан тушадиган даромад ташкил этади. Мамлакатнинг иқтисодий диверсификация режасини амалга татбиқ этишга глобал пандемия тўсиқ бўлиб турибди. Шунга қарамай, АҚШ-Саудия Бизнес кенгашининг маълум қилишича, подшоҳликда қайта тикланадиган энергия бўйича лойиҳалар 750 мингта янги иш ўрни яратиши мумкин. Айни дамда Бирлашган Араб Амирликлари экологик жиҳатдан хавфсиз товарлар савдосини ривожлантирмоқда. Молия, соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларига технологик инновацияларни татбиқ қилиш ва амалиётларни рақамлаштириш ишларини жадаллаштирган. Аммо Яқин Шарқ ва Форс кўрфазининг бошқа давлатлари, Осиё ва Африканинг катта қисмида, Лотин Америкасида қашшоқлар ва очлар армияси сони ошиб бормоқда.

Хўш, давомли бўҳрондан қочиб қутулиш мумкинми? Ҳамма гап коронавирус тарқаши қачонгача давом этиши билан боғлиқ. Ҳозирча Халқаро валюта жамғармаси ва АҚШ молия вазирлиги вазиятни яқиндан кузатаётганини айтиш билан чегараланмоқда, холос. Демак, вазиятни ўнглаш учун том маънодаги бирдамлик зарур. Ана шундагина инсоният яна бир оғир синовли даврни ортда қолдира олади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

Долзарб интервью

«КОРОНАВИРУС ҚАЧОН КЕТАДИ, ДЕБ БОШҚА ХАСТАЛИКЛАР КУТИБ ТУРМАЙДИ»

Музаффар ЗОКИРОВ, Хоразм вилоятидаги россиялик шифокорлар гуруҳи раҳбари:

Шу йилнинг 20 августида Россиядан Ўзбекистонга 38 нафар турли йўналишдаги шифокор келди. Россиялик мутахассисларнинг тўрт нафари 22 августдан буён Хоразмда бўлиб, маҳаллий шифокорлар фаолияти билан танишиб, COVID-19 билан хасталанган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш юзасидан ўз тавсияларини бермоқда.

Вилоятдаги россиялик шифокорлар гуруҳи раҳбари, олий тоифали кардиолог, Люберецк вилояти шифохонаси кардиология бўлими бошлиғи Музаффар Зокиров билан суҳбатлашиб, вилоятда коронавирусга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишларга холис баҳо беришни сўрадик.

– Музаффар ака, Хоразмга келганингизга ўн кундан ошди. Ушбу даврда сизнинг раҳбарлигингиздаги гуруҳ қандай фаолият юритди?

– Келган кунимиз Урганч олимпия захиралари мактабида ташкил қилинган 708 ўринли саралаш ва тақсимлаш маркази фаолияти билан танишдик. Аҳволи оғир беморлар саломатлигини назорат қилдик.

Кейинги куни ТТА Урганч филиали клиникаси, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва коронавирусга гумон қилинган беморлар даволанаётган бошқа муассасаларда бўлдик.

Барча муассасаларда беморларни даволаш учун зарур шароитлар яратилган. Шундан сўнг вилоят ҳокими, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ва бошқа мутасаддилар билан учрашиб, таассуротларимизни ўртоқлашдик. Бизга нималар маъқул бўлгани ва нималар кўнгилимизга ўтирмаганини очиқ-ойдин айтдик, даволаш самарадорлигини янада ошириш юзасидан ўз тавсияларимизни бердик.

Хусусан, биз коронавирусга чалинган ва гумон қилинган беморларни турли муассасаларда эмас, битта жойда даволашни ташкил этишни таклиф қилдик. Зеро, бошқа касалликлар коронавирус қачон ўтиб кетади-ю, қачон бизга навбат келади, деб кутиб ўтирмайди. Қолаверса, вилоятда бунинг учун имконият борлигини кўрдик.

Яна бир таклифимиз реанимацион ёрдамни ҳам битта муассасада ташкил қилиш бўлди. Зеро, дунёда реанимацион ёрдам жуда қиммат туради, бу хизмат катта маблағ талаб қилади. Реанимацияга муҳтож беморларнинг битта муассасада бўлиши хизмат таннархининг арзонлашувига, сифатнинг эса ошишига олиб келади.

Таклифларимиз инобатга олинди. Бу ҳафтада туманларда бўлиб, улардаги шароитларни ўрганяпмиз. Маҳаллий шифокорлар билан тез тил топишдик. Хоразмлик мутахассисларнинг билим ва салоҳияти, изланувчанлиги гуруҳимизга жуда маъқул бўлди.

– Тез тил топишишингиз Хоразмда туғилиб ўсганингиз билан боғлиқ бўлса керак?

– Бўлиши мумкин. Ўзим ҳақимда тўхталадиган бўлсам, Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман. 2003 йилда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалини тамомлаб, Россияга кетдим. Волгаград давлат медицина университети ординатурасини кардиология мутахассислиги бўйича тамомладим. Михайлово шаҳар шифохонаси кардиологи, Люберецк вилоят шифохонаси кардиологи лавозимларида ишладим. Ҳозир шу муассасада бўлим бошлиғиман. Лекин ҳар куни Ўзбекистондаги жараёнлар билан танишиб бораман, халқимизга имконим етгунча ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

– Вилоятдаги эпидемик вазият ҳақида фикрингиз қандай?

– Тўғрисини айтсам, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалардан мен вазият жуда ёмон бўлса керак, деб ўйлагандим. Вазиятни ўз кўзимиз билан кўриб, шунга амин бўлдикки, булар шунчаки ваҳима ва ёлғон экан.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам коронавирусни даволашда муаммолар бор. Лекин Ўзбекистондаги, хусусан Хоразмдаги вазият бошқа давлатларга нисбатан анча яхши.

Давлат барча зарур чораларни кўрган. Шифокорлар фидойилик кўрсатиб, кеча-кундуз ишламоқда. Дори-дармон захираси, тиббиёт буюмлари, хусусан кислород консуллари етарли. Ташхислаш ишлари тезкорлик билан амалга оширилянти. Гуруҳимиз билан асосан реанимацион ёрдамга муҳтож беморларга кўмаклашяпмиз. Уларнинг аҳволлари тез яшиланмоқда.

– Айримларнинг ҳақиқий ҳолат яширилянти, деган иддаолари ҳақида нима дейсиз?

– Мен статист шифокор эмасман, беморларнинг сонини ҳисоблаш менинг ишим эмас. Вазифам – даволаш. Бироқ, кўзим билан кўрганларимга асосланиб шуни айтишим мумкинки, айнан Хоразмда коронавирусга чалинганлар кўп эмас. Шифохоналарда коронавирус учун ажратилган ўринларнинг кўпчилиги бўшлигига гувоҳ бўлдик. Реанимацион ёрдамга муҳтожлар ҳам саноқли. Шунинг учун аҳолидан турли ёлғон-яшиқ хабарларга ишонмасликларини сўраган бўлардим.

– Ҳозир кўпчиликни коронавирус қачон йўқолади, деган савол қизиқтиради. Ўз тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда, бу ҳақда қандай фикрдасиз?

– Хасталик қачон чекиниши аниқ эмас. Шу боис, биз коронавирус билан яшашни ўрганишимиз керак. Касаллик ўтиб кетсин, деб беркиниб ўтирмасдан яшашда давом этишимиз зарур. Ҳаёт кутиб турмайди. Шундай экан, ишлашимиз, ўқишимиз, изланишимиз лозим.

Тажрибамдан келиб чиқиб, шуни айтишим керакки, ҳозир касалликка чалиниш унчалик хавфли эмас. Пандемия бошланган пайтида хавфли эди. У ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмаган вақтида. Ҳозир шифокорларимиз муайян тасаввур ва тажрибага эга. Касалликка чалинганларнинг аксарияти шифо топмоқда. Ўлим ҳолатлари эса барча касалликларда бўлиши табиий.

– Касаллик профилактикаси сифатида нималарни тавсия қиласиз, қандай дорилар қабул қилган маъқул?

– Ҳеч қандай дори-дармон тавсия қилмайман. Интернет тармоқларидаги тавсияларга ҳам амал қилавермасликни маслаҳат бераман. Хасталик ҳар кимда ҳар хил кечади. Кимгадир катта фойда берган дори кимгадир таъсир қилмаслиги мумкин.

Профилактика сифатида ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, қўлларни тез-тез ювиш, одам гавжум жойлардан узоқроқда бўлиш, уйларни тоза тутиш, тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Касал бўлмаган ҳолда турли дориларни қабул қилиш тўғри эмас, ҳатто у витамин бўлса ҳам. Балки организмда витаминлар етарлидир? Витаминларнинг меъёридан ошиб кетиши ҳам касалликларга сабаб бўлишини унутмаслик керак. Ундан кўра, витаминларга бой мева ва сабзавотларни тановул қилган фойдали. Бу борада Ўзбекистонда ҳеч қандай муаммо бўлиши мумкин эмас – серқуёш заминимизда етиштирилган ҳар қандай мева ва сабзавот витаминларнинг кони.

Коронавирусга қарши курашиш давлат, раҳбарлар, шифокорларнинг вазифаси эмас, ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг вазифамиз, керак бўлса, бурчимиздир.

Нафас қисиши, йўтал кузатиляптими, иссиғингиз чиқяптими – дарров шифокорга мурожаат қилинг, дорихонага югурманг! Бу хасталик учун махсус дори йўқ. Лекин вакцина яратилди. Ўзбекистон ҳам ушбу вакциналарни сотиб олишга тайёргарлик кўряпти.

Ҳеч қачон ваҳимага берилмасликни сўрайман. Ваҳима кўтариб, шифо топмайсиз, аҳволингиз оғирлашиши мумкин, холос. Шу боис, тўғри овқатланишимиз, ҳар куни жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун вақт топишимиз, юрт равнақига ҳисса қўшиш учун ишлашимиз, изланишимиз лозим. Ишонинг, бу қийин кунлар ўтиб кетади, биз яна фаол ҳаётга қайтамиз.

«Ishonch» мухбири
Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
суҳбатлашди

Эълонлар

«Invest ko'chmas mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Шоҳимардон Каркидон» МЧЖ буюртмаси ва хатига асосан қуйидаги кўчмас мулк савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти, Қува тумани, «Толмозор» МФЙ «Каркидон» сув омбори ҳудудида жойлашган Дам олиш маскани (умумий қурилиш ости майдони – 2 317,36 кв.м, фойдали майдони – 448,35 кв.м, литерлар 0001-0013) бино иншоотлари.

Бошланғич баҳоси – 104 150 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 7 октябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 5 октябрь соат 18:00.

Дастлабки савдоларда мулк сотилмаган тақдирда 2020 йил 30 октябр кунлари такрорий савдо бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилиш бир кун олдин 18:00да якунланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида савдо объектининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» – «Invest Ko'chmas Mulk Savdo» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Траст банк» Фарғона вилоят филиали, ҳ/р: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495) тўлашлари лозим.

Савдо ғолибига савдо натижасига кўра сотувчи билан 10 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва у бўйича тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдолар бўлиб ўтадиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 44/В-уй. **Мўлжал:** «Собиқ Нурхон кинотетри». **Телефон:** (+99897) 415-51-11, (+99890) 307-11-88. **Расмий веб-сайт:** www.uy-bozor.uz.

Лицензия № RR-0238

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2019 йилда Қобилов Илхом Равшанович номига берилган 0180-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолгани маълум қилинади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши аъзоси, Ўзбек Миллий драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист **Фатхулла МАЪСУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тўй ва маъракалардаги ортиқча сарф-харажатлар даврий матбуот саҳифаларида мунтазам равишда кўтарилиб турган ва қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлган. Ушбу масалалар муҳокамасида жамият доимо деярли иккига бўлиниб, бир қисми сарф-харажатларни чеклаш тарафдорлари, бошқа қисми эса уларни чекламаслик тарафдорлари бўлган. «Менинг фикрим» жамоавий мурожаатлар порталида тўй маросимларининг 30 кишилик тартибда ўтказилишини доимий сақлаб қолиш ҳақида жамоавий мурожаатнома жойлаштирилди ва уни шу пайтгача 10 минг нафардан ортиқ киши ўқиб чиққан.
19 август ҳолатига кўра, бу таклифга 2 568 нафар киши ёқлаб овоз берган бўлса, 276 нафар киши буни ёқламаган, 64 киши турлича изоҳлар қолдирган. Мурожаат муаллифи карантин вақтида 30 кишилик тўйларни ўтказишга рухсат берилгани ва карантиндан кейин ҳам тўйларни 30 киши билан ўтказишни давом эттиришни таклиф қилади.

АСРНИ ҚАРИТГАН ЎЙЛАР

ёхуд XX аср бошларида Туркистондаги тўйлар ҳақида

Бир томондан, бундай чеклов ўрнатилиши мақсадга мувофиқ эмасдек кўринади. 2018 йил 29 июнда Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар халқимизнинг миллий урф-одатлари, ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилиши борасида ягона, қатъий нормалар белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келишган. Халқимиз орасида тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам ўтказишни йўлга қўйишга муайян меъёрий ҳужжат билан эмас, одамлар ўртасида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот, шахсий ибрат, намунали тадбирлар мисолида эришиш ҳар жиҳатдан фойдали эканини кўрсатганлиги қайд этилади.

Иккинчи томондан, мазкур масалада жамиятимиз ўз-ўзини бошқара олмаётгани ҳамда сарф-харажатлар кундан-кун кўпайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Хорижий мамлакатларда меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг тўй ва у билан боғлиқ бошқа харажатларни кўтариш учун оғир шароитда меҳнат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, ота-оналар топаётган даромадларини фарзандлар саломатлигини яхшилаш ва уларга илм беришга йўналтирса, мамлакат ривожига катта ҳисса қўшишларини ҳам эътироф этиш лозим.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XX аср бошларида ҳам тўйлар ва уларда йўл қўйилаётган ортиқча сарф-харажатларга нисбатан турлича муносабатлар мавжуд бўлганини ҳамда бу борада қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганини кўриш мумкин. Жумладан, XX аср бошларида Туркистонда жамиятнинг тараққийпарвар кучлари ўлка ҳаётидаги мавжуд иллатларни очиққасига танқид қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини излашга киришганлар. Тўйларда ҳаддан зиёд исрофгарчиликларга йўл қўйилиб, шароитига қарамай, тўй қилишининг оқибатида кўпгина кишилар қарзга ботаётган, қарздорлар бор мол-мулки ва еридан ажралиб қолаётган эди. Ўлкада чоп этилган бир газетада ёзилади: «Бир қанча бойларимиз ҳаддидан зиёда тўйлар қилиб, ҳар бир одамга беқасам, мовут, сатин ва бошқа қимматбаҳо тўнлар кийгизиб, халқни ҳайрон қилди. Кейин сағал кун ўтмасдан ўзлари ҳайрон бўлиб қолдилар, тўй ўтказгандин бир ойдан сўнг синиб, беобрў бўладурлар».

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳбари, буюк тараққийпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий «Бизни кемирувчи иллатлар» номли мақоласида халқни кемирувчи ҳақиқий иллат, ҳар қандай даврдан энг оғири бўлган тўй ва маъракалар бутун Туркистон шаҳарлари ва қишлоқларини қамраб, халқни инқирозга йўналтираётганини ёзади. Одамларимиз кунига 18-20 соат меҳнат қилиб, емай-ичмай, дам олмай «ўз қаториндаги одамларни қилган тўйидан зиёдроқ» тўй қилишни мақсад қилишади. Бундай тўй ўтказишдаги мусобақалар натижасида қанчадан-қанча кишилар ишлаб тўпланганини бир-икки кунда совуриб, яна қарз-ҳавола қилиб, бор будидан айрилганлар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзади: «Катта тўй қилиб хотун олган бечораларнинг ҳолига йиғламоқ керак. Уч кунлик тўйнинг азаси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто бир умр сурар, балки беватан ва хонавайронликка сабаб бўлур». Беҳбудий қарздорларнинг аччиқ қисмати ҳақида ёзар экан, қарздан қутилиш учун улар ер ва ҳовлиларини сотишга мажбур бўлаётганлари, бу ҳолат яна 20-30 йил давом этса, ер ва ҳовлилар ажнабийларга ўтиб, аксар халқимиз гадойлик даражасига тушиб қолишига ачинади.

Ўша давр маълумотларида келтирилишича, камбағаллар тўйга ***200 рублдан 1000 рублгача*** *сарфлаган. Бойлар эса тўйларга* ***5000дан 10 000 рублгача*** *харажат қилган. Бу ўз даврига нисбатан салмоқли маблағ ҳисобланган. Ўша даврда* ***1 та қўйнинг ўртача баҳоси 2,5-3 рубль*** *(12,5 ёки 15 танга) бўлган. Май ойида, яъни қўй энг қиммат бўлган вақти* ***2 ёшли қўйлар 7 рублгача*** *(35 танга) бўлган.* ***1 ботмон буғдойнинг нархи 1,5-2 рубль*** *бўлган.*

Газеталардаги шу мавзудаги мунозаралар иштирокчилари бундай аянчли аҳволга тушиб қолмаслик учун қизларнинг ота-оналари қуёвнинг шароитидан келиб чиқиб, тўй белгилашлари керак, улар туфайли қуёв қарздор бўлиб қолмасин, деган хулосага келишади. «Эй, ота-оналар ва қиз етимлар омонатдорлари инсоф қилиб мазлумаларни тириклай ёндирмангизлар», деб мурожаат этади.

Ўша давр маълумотларида келтирилишича, камбағаллар тўйга 200 рублдан 1000 рублгача сарфлаган. Бойлар эса тўйларга 5000дан 10 000 рублгача харажат қилган. Бу ўз даврига нисбатан салмоқли маблағ ҳисобланган. Ўша даврда 1 та қўйнинг ўртача баҳоси 2,5-3 рубль (12,5 ёки 15 танга) бўлган. Майойида, яъни қўй энг қиммат бўлган вақти 2 ёшли қўйлар 7 рублгача (35 танга) бўлган. 1 ботмон буғдойнинг нархи 1,5-2 рубль бўлган.

Мисол учун, манбаларда ёзилишича, уйланаётган бир қассоб унаштириш учун қуйидагиларни бўлажак келин томонга жўнатган: бир қозон палов, 100 дона катта нон, 150 дона ўртача нон, 100 та патир, 400 дона кичик нон, 1 челак нишолда, 4 та ҳолва, 1 сават ўрик, 1 та шойи кўйлак (8 аршин), 1 та шойи иштон (4 аршин), 1 та рўмол, 1 жуфт лакланган махси (калиш билан) ва 50 рубль пул.

«Катта тўй» учун эса 50 та чопон, 25 та рўмол, 3 ўрам чит (27, 30 ва 33 аршин), 25 бош қўй, 4 бош от, 500 дона катта нон, 1000 та ўртача ва 2000 та кичик нон, 4 ботмон гуруч, 4 ботмон ун, 2 сават ўрик, 1 сават қандолат маҳсулотлари, 5 каллак қанд, 1 ботмон сабзи ва 500 рубль пул берган.

1912 йилнинг 26 январида «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳаси, Қоратош маҳалласида яшаган Осимбой Қосимбой ўғли ўз фарзандига 4 кун мобайнида хатна тўйи қилгани хабар қилинган. Ушбу хабарга кўра, бу тўйга Тошкент шаҳрининг ҳар бир даҳасидан бир неча юз одамлар келгани, зиёфат учун 6 бош хўкиз ва 30 бош қўй сўйиб, 40 ботмон ундан нон ёпилиб, қанд, нишолда ва мурабболар қўйилган.

Никоҳ тўйигача бўлган сарф-харажатлар ҳам кишилар гарданига оғир юк бўлиб тушган. Шунинг учун ўша давр матбуотида ўлка аҳолиси орасида тўйгача ҳам ортиқча сарф-харажатлар кўпайиб кетгани танқид остига олинган. Жумладан, 1903 йилнинг 18 декабрида «Туркистон вилоятининг газети»даги мақолада таъкидланишича, маҳаллий аҳоли томонидан «бетартиб ва бефойда» тўйлар ўтказилган. Унда тўйдан олдинги урф-одатлар тўғрисида танқидий фикрлар айтилган эди. Масалан, бир хонадоннинг қизини келин қилмоқчи бўлишса, ўша уйга бир хотин бир патнис мева ва тўртта ёғли патир билан бориб, қизнинг ота-онаси билан гаплашиб, улар розилик беришса, мазкур хотинга оқ рўмол ўратиб юборилган. Эртаси куни иккала тараф ҳам бой бўлса, яна тўрт одам қиз тарафга келган ва уларга зиёфат қилиб берилган, уларнинг ҳар бирига мовут чакмон бериб юборилган эди. Ундан кейин эртаси куни бир лаган палов ва бир лаган мева, 30 та катта ёғлиқ патир ҳамда олти кийимлик ипаклик ва ипаксиз нарсаларни икки хотин олиб бориб, кечгача қизнинг уйида меҳмон бўлишган, қайтишларида уларга 2 жўра атлас ва 2 кийимлик чит ёки фаранг бериб жўнатилган.

Бундай сарф-харажатларга эса аҳолининг аксарият қисмининг қурби етмас эди. Қарз эвазига уйланиб, хонавайрон бўлган ва беватан қолган одамлар сон-саноқсиз бўлиб, жамиятнинг ҳақиқий муаммоларидан бирига айланган эди.

Тўй ва маъракалардаги ортиқча маблағ сарфлашга қарши бўлганлар тўйлардаги исрофгарчиликлар ислом шариатига ҳам тўғри келмаслигини таъкидлашади. Чунончи, Абдурауф Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» номли асарида ушбу ривоятни келтиради: «Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Тўйда биринчи куннинг таоми ҳақ, иккинчи куннинг таоми суннатдур, лекин учинчи куннинг таоми риёдир». Тўйни бир-биридан қолмаслик учун қилганларга қарата Абдурауф Фитрат ушбу ривоятни келтиради: «Набий-алайҳис-салом дедилар: «Икки одам бир-бирларидан ўтиш учун тўй ва зиёфат қилсалар, биронтасиникига борманглар, уларнинг таомларидан еманглар». У одам ҳар бир одат ва русмнинг зарари ёки фойдасини ўйлаб, кейин ҳаракат қилиши лозим, деган хулосага келади.

Жадидлар ўз матбуотида бундай тўй ва маъракалар ўтказиш халқнинг илмсизлигидан бўлиб, дунёнинг ҳеч бир миллатида бу ҳол учрамаслигини таъкидлайди. Қолаверса, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларимиздаги қоидаларга тўғри келмайдиган ҳолатдир, деб тушунтирилади.

Жадид тараққийпарварлар тўй маросимларини исрофгарчиликка йўл қўймасдан, кичик қилиб ўтказишни ва ортиқча пулларни болаларни ўқитишга сарфлашни таклиф этади. Бу пулларни ёшларни Макка, Миср, Истанбул, Русия дорилфунунларига диний ва дунёвий билимларни эгаллашга жўнатиш учун сарфлашга чақирганлар, миллат ёшларидан жамият тараққиёти учун хизмат қиладиган турли касб эгаларини, ҳуқуқшунос, муҳандис, муаллим, тижоратчилар ҳамда банк ходимлари тайёрлашга ундайди. Маҳмудхўжа Беҳбудий шу пуллардан болалар учун тарбиятхона (пансион) очишни таклиф этади, бундай пансионлар очиш учун жамият тузиш керак, бу жамият одамлардан пул йиғиб миллат болаларини ўқитиши керак. Газета саҳифасидаги мақолаларда хатна, никоҳ тўйи ва дафн маросимларида сарфланаётган мингларча пулларни миллат истиқболи учун хизмат қиладиган мактаб, мадраса ва дорилфунунлар ташкил этишга ишлатиш кераклиги қайта қайта такрорланган.

Миллий матбуот саҳифаларида миллат учун зарарли бўлган бундай иллатлар тез-тез танқид остига олинади ва халқ миллат манфаати учун хизмат қилишга даъват этилади. Ўша давр газеталаридан бирида миллий жаридаларимиз (газета) давом этиб турса, бу бидъатларимиз ҳам йўқ бўлиб кетар деб, миллий матбуотдан катта умид қилган.

Айниқса, 1914-1915 йилларда чоп этилган «*Садои Туркистон*» ва «*Садои Фарғона*» газеталарида бу борада ўткир фикрлар билдиради ва миллатни асрлар бўйи давом этаётган уйқудан уйғотишга ҳаракат қилади. «*Садои Туркистон*» газетаси таҳририятига Туркистоннинг турли жойларидан хат ва хабарлар келиб турган. Қўқон шаҳридан жўнатилган хабарда шахсий манфаатини миллат манфаатидан устун қўювчи кишилар минглаб рубль сарфлаб тўй қилишни халқ орасида тарғиб қилгани таъкидланади. Чунки бундай кишилар ўзи бундан манфаатдор бўлиб, улар ҳар йили тўйларда чопон кийишидан 300-400 рубль фойда қилган.

Жамиятнинг илғор фикрли кишилари бу урф-одатларни ислоҳ қилиш тарафдори бўлса, маҳаллий аҳолининг аксарият қисми бунга тайёр эмас ва миллий тўйга қарши турувчилар сўзига кирмай, катта тўй қилган бойларга ҳамд-у саноолар ўқишда давом этаётган эди. Муаллифи номаълум бу хабарда Тошкентнинг катта бойларидан бири Қори бой суннат тўйига 5000 нафарга яқин одам чақириб, 3 кунгача ош бергани, тўй кечалари хотинлар мажлисида ўйинчи, ашулачи, ялпоқчилар чақирилгани мақтаб ўтилган эди.

Туркистон тараққийпарварлари нафақат даврий матбуотдаги чиқишлари билан эмас, балки тўй ва маъракалар ислоҳини амалда ҳам қўллашга ҳаракат қилган эди. Туркистон жадидларининг раҳнамоларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий 1909 йил 15 апрелида Мақсуд Хўжа исмли ўғлига хатна тўйи қилиб 1000 рублдан ҳам кам пул сарфлаган. Тўйга кетадиган ортиқча сарф-харажат ўрнига Самарқанддаги кутубхонага китоблар харид қилган, бу китоблар Россия ва Туркиядан келтирилган. 1909 йилнинг 13 майида «Туркистон вилоятининг газети»да М.Беҳбудий ўтказган тўйга Самарқанд аҳлининг муносабати икки хил бўлганини ёзар экан, баъзилар Беҳбудийдан ўрнак олиш кераклигини таъкидласа, бошқалар унинг бойлиги ва обрўсини ҳисобга олиб камида 2000-3000 рубль сарфлаши керак эди, деб танқид қилади. Бу мисол жадидларнинг бу бидъатга қарши курашда ҳам ўрнак бўлганини ва миллат манфаатини кўзлаганини кўрсатади.

Улардан ўрнак олиб, дабдабали тўйга кетадиган маблағларнинг маълум бир қисмини мактаблар очишга сарфлаган кишилар кўпаяди. Масалан, Мунаввар Алифкор ўғлига хатна тўйи ўтказишда сарф-харажатни камайтириб, унинг ўрнига мактаб қурдирган. Мирзо Ҳамдам Оғоликов ҳам марҳум отаси томонидан таъмирланган масжиддаги мактабни янгича усулда қуришга киришган. 1914 йил 3 майда наманганлик бойлардан Исҳоқжон Мирсолиҳбой ўғли фарзандига хатна тўйи қилишни маслаҳатлашиш учун тужжорларни чақиради, улар билан маслаҳатлашган ҳолда тўйга сарфланадиган пулдан 2000 рублини мактаб ўқувчилари учун мевалик боғ яратишга ва мактабга сарфлашга аҳд қилади.

Тўйлар ислоҳи ҳақидаги бундай хабарлар «Садои Фарғона» газетаси таҳририятига тез-тез келиб турган. Чунончи, 1915 йилда Қўқон тужжорларидан Ҳожи Муҳаммаджон ва мулла Юсуф Аттор беш-олти нафар одамни чақириб бир товоқ ош ила зиёфат қилиб ўғилларини хатна қилган.

Шуни айтиш лозимки, бу даврда Туркистоннинг баъзи бой кишилари тўйга муносабатларини ўзгартира бошлашди. Масалан, Тошкентлик Саидазимбой «мева тўй»ни ўтказмади, яъни тўйда қуруқ мевалар тарқатилишини бекор қилди. Н.С.Ликошиннинг ёзишича, ўша даврда мушакбозлик билан тўй қилишган, савдогарлар тўйдан кейин алоҳида «савдогар тўй» ўтказишган бўлса, XX аснинг бошига келиб бу одатлар барҳам топди.

Туркистон жадидлари фақат матбуот орқали эмас, балки театр кўринишлари орқали ҳам тўй ва маъракалардаги исрофгарчиликлар, уларнинг моддий ва маънавий зарарларини кўрсатиб, халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилган. 1915 йил 21-24 январда Тошкент ва Наманган кўнгилли театр ҳаваскорлари томонидан Ҳожи Муиннинг «Тўй» фожиаси саҳна томошаси қўйилган. Халқ бу томошани мамнуният билан томоша қилган.

1917 йил февраль инқилобидан кейин эса Туркистон тараққийпарварларининг ташкилоти «Шўрои Исломия» томонидан тўй ва маъракаларни тартибга солиш тўғрисида апрелда қарорнома эълон қилинган. «Шўрои Исломия»нинг 1917 йил 22 апрелдаги умумий мажлисида бу тадбирларни амалга ошириш учун комиссия тузилган. Комиссия таркибига Саид Аҳрорхон Маҳсум, Мурод Хўжа Эшон, Ҳамид Хўжа Эшон, Абдулсамиғ қори киритилди. Комиссия аъзолари олдига тўй ва маъракаларни дабдабали қилмасдан, исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўтказиш тартибларини халққа етказиш вазифаси қўйилган эди.

Қарорномада никоҳ тўйларида кичик тўй, қозон қайтариш, катта тўй-базмлар, юз кўрар, ҳайитларда мол сўйиб келин кўриш, қиз оши бериш, аёлларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ош тортиш, сандиқда йиллар давомида сақланадиган гулкўрпа ва бошқа фойдасиз моллар, араваларга ғалла ва бошқа нарсалар ортиб тўй юбориш, қалин олиш ва шунга ўхшаш исрофгарчиликларга барҳам бериш кераклиги таъкидланади. Буларнинг ўрнига келин ва куёв томондагилар кийим ва зарур уй-рўзғор буюмларини келишиб харид қилиши, никоҳ куни куёв ўз дўстлари ва маҳалла кишилари билан карнайсиз, фақат сурнай билан бориб никоҳ қилиши ва келин томондагилар ўз қариндошлари билан келинни олиб бориши белгиланади. Қарорномада куёв билан борадиган одамлар сони 20-40 кишидан ошмаслиги, келин билан борадиган аёлларнинг сони 10-20 тадан ошмаслиги айтилади. Чорлари ҳам бир мартагина қилиниб, унда иккала томондан ҳам 10 тадан ортиқ киши бормаслиги тайинланади. Чорларида таом тугиб олиб кетиш учун эмас, фақат шу ерда ейиш учун тайёрланишига, бешик тўйи ва чиллагаразонларни бутунлай йўқотишга қарор қилинади.

«Шўрои Исломия» мажлиси қабул қилган қарорида ўғил тўйларни ҳам ихчам қилиб ўтказиш кўзда тутилади. Унда ёзилишича, фақат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чақириб, кичикроқ бир мавлуд ўтказиш ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишини чақириб, ўғилларини хатна қилдиришлари керак эди.

«Шўрои Исломия» бойларга мурожаат қилиб, мавлудларни ҳам тежамкорлик билан амалга ошириб, тўйга атаган пул ва ғаллаларни маҳаллаларидаги оч ва яланғоч, уй-жойсиз ва бечораларга, мактаб ва мадрасаларга, хайрия жамиятларига берсалар мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаган. Бу тартибларга амал қилмаганларнинг тўйларини тўхтатиб, ўзларини қозига топшириш ва жазолашга қарор қилинган.

Хулоса қилиб айтиш керакки, XX асрнинг бошларига келиб, Туркистонда матбуот саҳифаларида жамият тараққиётида тўсиқ бўлувчи иллатлардан бири бўлган тўйлардаги исрофгарчиликлар жамиятнинг илғор кишилари томонидан танқид остига олинган. Бунда маърифатпарварларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга эди. Улар тўйларни мусобақага айлантирмай, маблағларни беҳудага сарфламасликни, ундан кўра, бу маблағларни миллат тараққиёти йўлига – ёшларга илм беришга сарфлашга даъват этган.

Санобар ШОДМОНОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институтининг
етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори

Манба: uzanalytics.com

Нуқтаи назар

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БИЛАН самимий муборакбод этади!

Ғайрат Мажид

КЎТАРИБ ЯШАГИН ВАТАН БАЙРОҒИН

Менинг боболарим ёвқур бўлганлар,
Бошни баланд тутмоқ қутлуғ саодат.
Ортда қолмаганлар, учқур бўлганлар,
Виждон-ла яшашни қилганлар одат.

Еган ҳар луқмаси ҳалол, шубҳасиз,
Ўзганинг ҳақидан доим қилган ор.
Илингани бўлган ширин калом, сўз,
Ва эзгу ишларга берган ихтиёр.

Қасам, ўртададир шарафим, шаъним,
Жаҳонгир зотларга баҳаққи ихлос.
Агар танти келса, мард келса ғаним,
Гуноҳидан кечган иккиланмай, рост.

Қаён борган бўлса менинг аждодим,
Ҳамиша порлаган хуршиди ирфон.
Қурмоқ, тузмоқ деган умрим, ҳаётим,
Юртни обод этган, элни фаровон.

Ҳазрат боболарим, иймон туфайли
Кўнглида барқ урган сидқу садоқат.
Ҳасад, адоватга бўлмаган майли,
Асло хиёнатга қилмаган тоқат.

Бошига тушса ҳам ташвиш, маломат,
Кўтармаган ҳаққа қарши тиғини.
Адолат яловин кўтарган фақат,
Мудом юксак тутган тинчлик туғини.

Ўзбекистон – Ватан, эй кўнгил уйғон,
Ёд эт аждодларинг, ёққин чироғин.
Мангу зафарингга тан берсин жаҳон,
Кўтариб яшагин Ватан байроғин.

Ватанимиз тараққиёти йўлида фидойилик қилаётган барча касаба уюшма аъзоларининг ишларига муваффақият тилаймиз. Ғайрат-шижоатли, меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларига файз-у барака тилаймиз. Кундан-кунга юксалиб, жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган жаннатмонанд юртимизга кўз тегмасин.

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

«TOSHKENT UNIVERMAGI» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Бетакрор Ватанимизнинг равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилаётган азиз юртдошларимизни

ИСТИҚЛОЛИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

муборакбод этади! Барчага қалб хотиржамлиги, сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик-омонлик тилайди. Ўзбекистонимиз истиқлоли абадий бўлсин!

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, азизларни Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорвоқ» сув омбори яқинида жойлашган «Наврўз» дам олиш масканимизга таклиф этамиз. Ушбу масканда 1000 нафарга яқин киши дам олиш имкониятига эга. Дам олувчилар 2 ва 3 қаватли корпуслар, шунингдек, коттежларга жойлашиши мумкин. «Наврўз» дам олиш уйи кўнгилли дам олишларингиз учун Сизларни кутади!

Мурожаат учун телефонлар: 71 233-50-23; 71 233-41-50

Хизматлар лицензияланган.

29 йил

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Ҳамюртларимизни
Энг улуғ, энг азиз байрамимиз –
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги
билан самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизни янада тараққий эттириш, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида амалга ошираётган ишларида улкан зафарлар тилайди. Истиқлол байрами муборак бўлсин!

29 йил

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, эл ризқини яратаётган фидойи меҳнаткашлар – қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларини Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан қутлайди.

Илоҳим, юртимиз доимо тинч, дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз фаровон бўлсин!

Ватанимизнинг мустақиллик байрами муборак бўлсин!

IPOTEKA BANK

29

29

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Азиз ватандошларимизни ғурур-ифтихорга тўла энг улуғ байрамимиз – Ватанимиз мустақиллиги куни билан чин дилдан қутлайди!

Жонажон Ўзбекистонимизнинг тинчлиги, тараққиёти, элимиз саломатлиги йўлида қилаётган меҳнатларингизга омад ҳамиша ёр бўлсин! Оилангизда ҳамиша бағрибутунлик, тинчлик-хотиржамлик, саломатлик ҳукм сурсин!

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ҲАЁТ ҚАСИДАСИ

... Биз эскича яшолмаймиз.
Шартлар қўяр кескин ҳаёт.
Ким кўрибдир бу дунёда сокин ҳаёт,
таскин ҳаёт.
Азал-абад эскилик ҳам янгиликнинг
жанги ҳаёт,
Доим ғолиб-музаффардир
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт.
Жон Ватаним, олам кезиб
топмадим сен тенги ҳаёт,
Қутлуғ бўлсин, ватандошлар,
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт!

Бу дунёда кўклам гарчи ёзу қишдан
кейинроқдир,
Янги ҳаёт қурмоқ асли
барча ишдан қийинроқдир.
Янги ҳаёт, осмонўпар биноларинг
бунча кўркам, бунча кўркам,
Бунча кўркам қадду бастинг,
Янги ўлкам, Янги ўлкам!
Ерга тушмиш гўё мовий
осмонларнинг ранги ҳаёт,
Баҳор янглиғ уфургайдир
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт!

Янги замон қурмоқ асли
мард зотларга буюргайдир,
Бу давронлар янги-янги
авлодларга буюргайдир.
Йигирма минг хонадонда
чироқ ёнса бир кечада,
Юз минг кўнгил зиёсини
кўргайдирсиз бир кўчада.
Янги ҳаёт айвонларинг бунча ёруғ,
Янги ҳаёт,
Эл кўнгли ҳам шунча ёруғ,
шунча ёруғ, Янги ҳаёт!

Янги давр. Янги замон. Янги ҳаёт.
Янги онг,
Шаҳар узра ёришмоқда янги саҳар,
янги тонг.
Жону таним, онажоним, жон Ватан,
жон Ватаним,
Янги тонгдай янгиланур жон-таним,
жон ва таним.
То бор экан Эзгулик ҳам ёвузликнинг
жанги, Ҳаёт,
Доим ғолиб-музаффардир
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт.
Доим ғолиб-музаффардир
мангу ҳаёт, мангу ҳаёт.

ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИ АБАДИЙ БЎЛСИН!

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Х. Норбоев

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Мусаҳҳиҳ:
Д. Орипов

Босишга топшириш вақти – **21:50**
Топширилди – **22:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма **Г – 917.** **27841** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130